



ЭНДРЮ МОББСНИНГ “ҒАЗАЛ. ТАҲЛИЛ ВА ШАКЛНИНГ АКС ЭТИШИ” НОМЛИ МАҚОЛАСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Халимова Фируза,

СамДЧТИ катта илмий-ҳодим изланувчиси

Калит сўзлар: ғазал, ўзбек арузи, мунчоқ, шеърдаги вазн, қофия, ўлчов, ритм.

Эндрю Моббс ўзининг “Ғазал. Таҳлил ва шаклнинг акс этиши” номли мақоласида шундай деб ёзган: “Although many might not recognize the ghazal - a form arguably more mysterious than mainstream forms such as the sonnet or the haiku – it is a form with a rich history that is deeply rooted in cultural tradition.” Яъни, кўпчилик ғазални сонет ва ҳайку каби анча шаклан ғаройиб сирли маълум бир йўналиш деб таъкидлашлари мумкин, бу шакл бой тарихга, илдизи маданий анъаналарга қадалган шаклдир. Ғазални сонетчалик мавқега эга эмас деб баъзи адабиётшуносларнинг таъкидлашларига албатта сабаблар бор. Бизнинг фикримизча, бунга ғазаллар султони Мирзо Алишер Навоийнинг, оташин қалб эгаси, шоҳ ва шоир Бобурнинг, ҳамда Хоразмий, Огаҳий, Гадоий, Машраб, Муқимий каби сон-саноксиз классик шоирларимизнинг ва аруз вазнида ижод қилиб келаётган замондош шоирларимизнинг асарларидан Ғарб давлатлари тилшунослари, китобхонлари етарлича маълумотга эга бўлмаганликлари сабаб бўлган бўлса керак. Ҳолбуки, Ғарб адабиётшунослигида, шеъриятида, масалан инглиз шеъриятида сонетнинг биргина тури: Петрарка ва Шекспир сонетлари фарқланади, лирик шеърлар асосан 6 вазн, силлабо тоник шаклида яратилади.

Ўзбек арузи 11 бахрни ўз ичига олиб 366 хил вазнда, силлабик (ҳижоларнинг қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ тарзда маълум бир тартибда гуруҳланиб келишига асосланган) ўлчовда келишига асосланган¹².

Ғазал жанри ғаройиб, сирли, мусикий назм шаклидир. Ушбу қарашни исботлаб кўрсатиб бериш бадий таржимонлар, шеърят билан шуғулланувчи, аслият тил ва ўгирувчи тил тилини, шеърый тизимини, аслият тили соҳиблари ва ўгирувчи тил намояндлари тарихини, маданиятини, урф-одатини, дунёқарашини билган, ҳис қилган қалб эгалари бўлган, фон билимга эга мутаржимларга вобастадир, бу замон ва жамият талабидир.

Бадий адабиётни таржима дунёга машҳур қилади. Таржима халқлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий муносабатлар, дўстлик, тотувликни йўлга қўйишга ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тилларнинг мавқеи мустаҳкамланади. Маълум халқнинг бой адабиёти билан танишиш орқали китобхон шу халқнинг маданияти, адабиёти, дунёқараши, урф-одати билан танишади. Таржима туфайли ижод аҳли учун янги имкониятлар пайдо бўлади, янгидан-янги жанрлар яратилади. Масалан, инглиз адабиётидан бизларга кириб келган сонет жанрида ўзбек шоирларидан Барот Бойқобилов, Ўткир Ҳошимов ва бошқалар ижод қилишган.

Бугунги кунда Ғарб ижодкорлари, инглиз тилида назм яратаётган шоирлар ўзбек мумтоз жанри – ғазалнинг сир-асрорлари билан танишиб, ушбу жанрни ўз тилларига олиб киришмоқдалар. Бунга мисол қилиб америкалик ёш тилшунос, адабиётшунос, шоир Эндрю Моббс ўз мақоласида “XX асрда ғазал жанрини инглиззабон ўқувчиларга таништирган шоирлардан бири ҳиндистонлик Оға Шаҳид Али (Agha Shahid Ali) бўлган” деб ёзади. Шаҳид Алининг таъкидлашича,

¹² А. Ҳожирахмедов. Ўзбек арузи луғати. –Т.: Шарқ. 1998, 416.



ғазал жанри Арабистонда 7-асрдаёқ, эҳтимол ундан ҳам олдинроқ маълум бўлган. Бу жанрнинг танилишида форсий тилда ижод қилган Румий ва Ҳофизийнинг хиссаси катта. Мақолада ёзилишича, XVIII асрга келиб ғазал жанрида шоир Ғолиб (Ghalib) урду тилида шеър яратган (Poetic form: Ghazal). Ҳозирги кунга қадар бу жанрда олмон, ҳинд, турк, пушту, испан, ҳаттоки инглиз тилларида ижод қилинмоқда.

Ғазаллар асосан муҳаббат, орзу-умид, ички ҳис-туйғуни, кайфиятни акс эттирувчи мавзуларда ёзилган. Метафизик қарашлар ҳам ифодаланган (антинаучный метод мышления, противоположный диалектике, рассматривает явления не в их развитии и взаимной связи, а в разрознено, изолировано в состоянии покоя и неподвижности¹³).

Мақолада бунга мисол этиб Кэрол Бэнгнинг “Ghazal of Paradise” (Жаннатдаги ғазал) шеъри мисол қилиб олинган. Ушбу шеъри орқали шоир иккинчи ҳаёт, арши-аълодаги ҳаётни орзу этишини намоён этади ва у ердаги ҳаётни тасавур этиб ифодалайди:

All lost strands come home in Paradise,
Does flash talk to bone in Paradise?
Time may line and wear the fairest
face,
Rent seems are one in Paradise.
Sighs of age fade out without a trace,
Each soul will be toned in Paradise.
That said, we'll take our pleasure
twenty ways,
Begin again full grown in Paradise.
Come, Desire, take us in your embrace,
Let sweet angels moan in Paradise.

No form of love's a sin within that
place,
Why should we atone in Paradise?
Forget the wings; we'll dress in silk
and lace,
The second coming's well known in
Paradise.

Sing, you angels, heaven's earthly
grace,

We'll not Carol alone in Paradise.

Алининг таҳлилига кўра Бэнгнинг ушбу шеъри ғазал шакли талабига жавоб беради. Аммо ғазалдаги мисралар сони, ҳижолар сони тенг бўлиши кераклигини таъкидлайди. Ушбу шеърда кўпчилик мисралар 9 ҳижодан иборат, фақат тўртинчи мисра 8 ҳижодан, еттинчи мисра 10 ҳижодан, 14 мисра 11 ҳижодан иборат бўлиб қолган. “Paradise” (жаннат) сўзи радиф бўлиб келган, қофияланиш [o: n] билан тугалланган. Али бу каби ҳодисани шеър тизими ҳар бир тилда турли хил бўлишини, ҳижолар сони ҳам фарқ қилишини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, аниқ қабул қилинган қоидаларнинг барчасига кўра, ички мусиқавий оҳангга эътибор бериш, унга аҳамият бериш лозим. Бу қоидага асосан ғазални инглиз тилига таржима қилиш мумкин бўлади, чунки бар тилда яратилган шеърдаги вазн, қофия, ўлчов ва ритмни айнан сақлаб қолишнинг иложи йўқдир. В.С.Мэрвин, Адрианс Риш ҳам шу қоидаларга асосланишган.

Аммо Али ғазал яратишда, унинг жозибали, мусиқавий омиллари борасида сўз юритганлиги ҳақида мақолада маълумот бермаган. Биз юқорида берилган мақолани лингвопоэтик нуқтаи назардан талқин этадиган бўлсак, ғазалда қўлланилган эвфоник элементлар (аллитерация, ассонанс, такрор турлари) ва мисраларнинг ритмик бўлакларга бўлинишини, ҳижоларнинг қайта тамойил асосида гуруҳланишини кўриб ўтишимиз лозим бўлади. Ғазал айнан қайси стопли ўлчов асосида ёзилгани аниқ эмас.

Масалан:

/ / / / / - / - -
All lost strands come home in
Paradise

Урғули сўзлар қатор бўлиб келган. Фақат охирги сўзларда (- / - -) битта урғусиз, урғули ва иккита урғусиз ҳижо қўлланилган. Баъзи мисралар инглиз шеърияти қонунлари асосида яратилган:

¹³Словарь иностранных слов. 1964. 401стр.



/ - / - / - / -
/ Time may | line and | wear the | fairest
face

Хорея вазни (/ -), урғули ва урғусиз бўғинларнинг алмашиб келиши, 4-5 стопларда яратилган.

Аллитерация, яъни ундош товушнинг сўз бошида такрорланиб келиши ҳолати озрок: *fairest face, pleasure – Paradise, silk – second*.

Ассонас, яъни унли товуш такрори, [ou], [ai], [ei] дифтонглари билан берилган ва ажиб кайфиятни яратишга хизмат қилган.

Жаннатдаги ҳаёт нақадар ажойиб эканлигини таъкидлаш, кўрсатиб бериш мақсадида махсус танланган эпитетли, яъни аниқловчи ва аниқланмиш бирлигида ифодаланган ва бу ҳолда тил олди унлилари иштирок этган сўзлар ва иборалар танланган: *fairest face, take pleasure, embrace, sweet angels, dress in silk, sing, heaven's earthly grace*.

Жаннатдаги ҳаёт образ байтма-байт баён этилади ва маъно танланган сўзлар ёрдамида кучайтириб берилади.

Бешинчи мисрада шоирнинг истаги яққол ифода этилади:

Come, Desire, take us in your embrace

Кэрол нафақат ўзи учун, балки барча бошқа инсонлар учун уларнинг жаннатда яшашини орзу қилади, жаннатдаги ҳаётни уларнинг кўз олдига келтириб, инсонларга ҳис-туйғу ва истак уйғотади.

Ўзининг исмини мисра охирида қайд қилиб, сўз ўйини қўллайди.

Кэрол – 1. Исм. 2. Шўҳ ашула, гимн.

Али қўйидаги жумлага урғу бериб, ғазални образли қилиб таърифлайди: “Ҳар гал ҳар бир байт бўйида тақиладиган мунчокнинг бир тоши бўлиб, бир-биридан ажралган ҳолатда янада ортиқроқ ялтираб туради, гарчи унинг жилоси бошқа тошлар жилосидан фарқ қилиб турса-да”, бунинг маъноси, ҳар бир байт ўзининг нуқтаи назарига эга бўлиши, қайси мавзуда, йўналишда (романтик, трагедик, сиёсий) бўлса ҳам, сўнг умумий ғоя ва образ, оҳанг яратилишига хизмат қилиши лозим.

Ғазал чуқур мазмунли, ғояси теран, шакли ғазалга монанд, радиф берилган, ўлчов сақланган, фонетик фигуралар унумли ишлатилган, аммо ғазалга хос бўлган қофия беришда етишмовчиликлар бор. Ана шундай ҳолатни Д.Султанованинг ғазал таржималарида учратиш мумкин. Таржимоннинг фикрига биноан инглиз тилида шеърятда кўпинча бир бўғинли, икки бўғинли сўзлар қўлланилиб, уларга мос 2-3 қофия топиш мумкин, аммо бутун ғазал давомида уларни тўлиқ сақлаб қолиш мушкул. Окказионал (тасодикий) сўзлар қўлланилиши баъзан маънонинг бузилишига, ғоянинг нотўғри йўналтирилишига олиб келади.

Ғазални инглиз тилига ўгириш мумкин, аммо вазн ўзгариши табиий ҳол. Унда мазмун, ғоя, образ сақланиши лозим. Шарқ оҳангига тақлид қилиб, оҳанг, мусиқийлик яратилади. Ёш таржимонлар кўплаб ғазалларни аслият тилида ва ўғирмада қиёслаб, синчиклаб ўрганишлари лозим.

Адабиётлар

1. Бадий таржиманинг лингвопоэтик муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материали. Самарқанд, СамДЧТИ. 2012. 23-24 ноябрь. 212б.
2. Ҳожирахмедов А. Ўзбек арузи луғати. –Т., Фан нашриёти. 1998, 214б.
3. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т., Ўқитувчи. 1995. 271б.
4. Султанова Д. Ҳалимова Ф. Шеър ва таржима. Самарқанд, СамДЧТИ, 2005.
5. Воронин С.В. основы фоносемантики. –Л., 1982. 244с.
6. Гончаренко С. Стиховые структуры лирического текста и поэтический перевод. Поэтика перевода. М., 1988. 235с.
7. Журавлёв А.П. Фонетические значение. Л., 1974. 160с.



8. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. СПб. 1996. 245с.
9. An anthology of English and American verse. M., Progress Publishers. 1972, 720p.
10. Andrew Mobbs. Forms of poetry. Eng. 607

Асарлар

1. Carol Bang. Ghazal of Paradise.

Луғатлар

1. Англо-русский словарь. Мюллер.
2. Словарь иностранных слов. И.В.Ленин. 1964.

Халимова Ф. Рецензия на статью Эндрю Моббса «Газель. Анализ и Формы». В данной статье рассматривается предположение, что газель является старинным жанром лирики, однако многие, не достаточно зная узбекскую классическую литературу и лирику, не считают данную форму сопоставимой с сонетом. Причина в том что, газели всё ещё не переведены на западные языки, особенно на английский. Из английских поэтов Кэрл Бэнг пробовал себя в этой форме. Он, вероятно, был знаком с особенностями газели на фарси. Его газель были пранализированы Ага Шахид Али, который первым познакомил английского читателя с газелями. Целью данной статьи является анализ данной указанной работы.

Xalimova F. Andrew Mobbs. The Ghazal. An Examination and Reflection of the Form. This article studies supposition, that ghazal considering to be the oldest genres of lyrics, in spite of this many people think ghazal is not so amazing and mysterious as sonnets, as they haven't got enough information about uzbek classic literature, lyrics and ghazal. The cause is, ghazal isn't still translated into western languages, especially into English. Carol Bang, is an English poet, wrote ghazals. His ghazals construed by Aga Shakhid Ali (the first person who gave information about ghazal to English readers). The aim of this article is to overview and remarks this work.
